

## МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ

✘ "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факултетида 20-май куни Сотувларни ўстириш бўйича эксперт, бизнес ва муваффақият тренери, Хушбаков Жуманазар раҳбарлигида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бунда эксперт "Маркетинг соҳасини такомиллаштириш" мавзусида семинар тренинг ўтказди. Факултет Ёшлар кенгаши ташаббуси билан қилинган учрашувда факултет фаол талабалари иштирок этишди. Тренинг давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Ўзининг бизнес ғояларига эга бўлган талабалар қандай қилиб муваффақиятли фаолият олиб бориш сирларини саволлар асосида билиб олишди.

**Факултет Ёшлар етакчиси Нуралиев Самандар ахбороти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**